O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 23-yanvar • Seshanba • 10 (27.655) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СИНГАПУРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан 2007 йилнинг 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон — Сингапур муносабатларини кенгайтиришга оид масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишга оид муҳим тамойил ва ёндашувлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи 1998-2006 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш якунларини танқидий баҳолаш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг соғлиғини сақлашни ташкил этиш борасида ҳал этилмаган масалаларни чуқур таҳлил қилиш асосида 2007 йилнинг 1 мартигача Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги масалалар кўзда тутилган аниқ таклифлар киритсин:

а) аҳоли учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини ва давлат ҳамда хусусий тиббиёт муассасалари кўрсатадиган пулли хизматлар улушининг узлуксиз ўсиб боришини таъминлайдиган, юқоридан қуйигача самарали бошқариладиган замонавий соғлиқни сақлаш ташкилий тузилмасини шакллантириш;

б) ўз соҳасида юқори малака, тажриба ва обрў-эътиборга эга шифокор-олимлар ва мутахассислар, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим соҳалари бўйича юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда:

Ўзбекистонда касалланиш динамикаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

тиббиёт амалиётига даволашнинг илғор услублари ва технологияларини жорий этиш, замонавий тиббий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналаридан фойдаланиш асосида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни текшириш ва даволаш;

клиника ординатураси орқали шифокор ходимлар малакасини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштириш ишларини ўз ичига оладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

в) касалликларнинг олдини олиш ва қишлоқ аҳолисига сифатли биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш;

г) соғлиқни сақлаш тизимининг кам қувватли, ортиқча ва самарасиз муассасаларини, кейинчалик уларнинг негизида замонавий нодавлат даволаш муассасалари ташкил этиш шарти билан ижарага ёки хусусий мулк қилиб, шу жумладан, уларни нолга тенг қийматда бериш;

д) соғлиқни сақлаш тизимида пулли хизматлар ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришни таъминлайдиган қўшимча имтиёзлар яратиш;

е) аҳоли, айниқса болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган санитария-эпидемиология хизмати тизимини мустаҳкамлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳининг таклифлари асосида 2007 йилнинг 15 мартигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг тегишли лойиҳасини тайёрласин ва тақдим этсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Азимов ва Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 январь

КАСАНАЧИЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қибрай тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидан олинган маълумотга кўра, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги «Интер Роҳат», «Карвон», «Афсар со.ЛТД», «БОУ со.ЛТД», «ЖБИ-1» қўшма корхоналари ҳамда «Тошкентпарранда» акциядорлик жамияти каби 16 та корхонада 180 нафардан ортиқ фуқаро касаначилик асосида ишли бўлди.

— Саккиз нафар хотин-қизни иш билан таъминладик, — дейди «Афсар со. ЛТД» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси бош директори Ҳусан Сиддиқов. — Уларга меҳнат шартномаси асосида ҳар ойда маош тўланмоқда. Уйда ишлаш учун етарли шарт-шароит яратиб берилган. Жорий йилда касаначилар сонини янада оширишни мўлжалламоқдамиз.

— Мазкур Фармон ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга, — дейди корхона касаначиси «Байт-Қўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Дилбар Муҳаммаджонова. — Тўрт нафар фарзандим бор. Болалардан, уй юмушларидан ортиб бирор жойда ишлай олмас эдим. Касаначилик мен каби аёллар учун айни муддао бўлди.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

❖ **Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники**

«СУРХОНТЕКС» КОРХОНАСИДА ИШЛАШ МАНФААТЛИ ВА ҒУРУРЛИ

Сурхон воҳасининг Жарқўрғон туманида жойлашган «Сурхонтекстил» корхонаси нафақат вилоятда, балки, республикамизда ҳам иқтисодий бақувват корхоналардан ҳисобланади.

Замонавий тўқимачилик ускуналари билан таъминлаш ҳамда корхонани ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 2004 йили корхона қошида «Сурхонтекс» Ўзбек — Америка қўшма корхонаси ташкил этилгач, ишда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатида кескин ижобий натижалар қўлга киритила бошланди. Бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ, албатта. Корхона акциядорлари, раҳбарияти гапни бир жойга қўйиб, республика «Асака» банкидан 6,5 миллион евро кредит олишди. Шундан сўнг корхонага пахтани титиш, пресслаш, калава иплари йигириш ва бўз-матолари тўқиб чиқариш учун энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар Германия, Швейцария, Россия, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатлардан келтирилди. Ҳиндистонлик ишбилармонлар билан мустақил алоқа ўрнатилиб, мутахассислар ҳам жалб қилинди.

Бир қарашда ўта сирлидай кўринган ускуналарда ҳозирги пайтда; жарқўрғонлик оддий қизлар ишлашяпти. Масалан, Манзура Эшмуродова корхонанинг лаборатория бўлимида Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий компьютерлашган дастгоҳни бошқараяпти.

— Бунга ўрганиш қийин кечгандир? — сўрайман Манзурадан. У бийрон жавоб беради:

— Бунинг қийинчилиги йўқ. Мен асосан тайёр калаваларнинг сифатини мана бу компьютерли ускуна ёрдамида текшириб, кейин маҳсулотни қабул қиламан.

2-бет

БУ ҲАҚДА...

«Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика Байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқароларо тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди.»

БУ ҲАҚДА мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табригида алоҳида таъкидлади.

❖ **Азиз Ўзбекистон — барчамизники!**

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Ислом КАРИМОВ

Қадим маданият бешиги ҳисобланган Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, динлараро бирдамлик тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бунинг бош сабаби шундаки, ўзбек ҳамиша бағрикенг, қалби дарё халқ сифатида тақдир тақозосига кўра турли миллат ва элатлар билан ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирган. Бировни камситмаган, ёнидаги биродари билан ҳамиша қондош ва жондош бўлиб келган. Шундан бўлса керакки, бутун дунёни ҳайратлантиришга қодир улуғ маданиятни ҳам мамлакатимизда тинч-тотув яшаган кўплаб миллатлар аждодларимиз билан ёнма-ён туриб, қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳатликда, биродарликда, тинч-тотувликда яратганлар. Бу юртда минг йил олдин ҳам, бугун ҳам ҳеч ким бошқа халққа мансублиги туфайли ёки ўзга динга эътиқоди учун камситилмаган.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Искандар Зулқарнайн юртимизга бостириб келганда, Сўғдиёнанинг атрофида юнонлар шаҳарчаси мавжуд бўлиб, бу ерда Ксеркс замонида кўчиб келган 5 минг милетлик юнон истиқомат қилган. Марҳум ёзувчи Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна» тарихий романида қайд этилишича, *«Шаҳарча гўёки олис Элладанинг кичик бир бурчагига ўхшарди. Бу ерда акрополис — тепалик*

2-бет

Суратда: *Республика Байналмилал маданият маркази вакиллари «Мустақиллик ва эзгулик» монументини зиёрат қилишди.*

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

БУГУНГИ СОНДА

«ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ»
«... Учраб турган бундай ҳолатлар жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтириш зарур, деган хулоса чиқаришга асос бўлади.» 2

«ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ»
«Дастлабки тергов устидан назорат олиб бораётган судья ўз қарорларини терговчи иш фаолияти сифатининг баҳосини эътиборга олган ҳолда чиқаради, деб хавфсирашга ўрин йўқ.» 3

«НОН ҚАДРИ»
« — Қаёққа кетяпсан, занғар! Ўғрига етиб олсанг сени анҳорга отиб юборади, — деб маҳкам қучоқлаб олди. Мен унинг қучоғидан чиқиб, ўғрини қуваман деб талпинардим.» 4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	980,34	1 Польша злотийси	418,38
1 Англия фунт стерлинги	2453,22	1 СДР	1854,90
1 Дания кронаси	216,33	1 Туркия лираси	877,57
1 БАА дирхами	338,23	1 Швейцария франки	995,75
1 АҚШ доллари	1242,20	1 ЕВРО	1611,63
1 Миср фунти	218,12	10 Жанубий Корея вони	13,23
1 Исландия кронаси	17,88	10 Япония иенаси	102,41
1 Канада доллари	1059,26	1 Россия рубли	46,86
1 Хитой юани	159,76	1 Украина гривнаси	245,98
1 Малайзия рингити	354,56		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР

Кун тартибида миллий ғоя тарғиботи

Партия ташкилотларида сиёсий ўқув семинарлари давом этмоқда. Уларда партия фаоллари, ЎзХДПдан сайланган депутутлар, тарғиботчилар гуруҳлари ва электорат вакиллари иштирок этмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари партия кенгашларида бўлиб ўтган семинарларда нотиқлар миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти, сиёсий партиялар мафкураси учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши тўғрисида тўхталдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Парламент фаолияти

ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Маълумки, металлургия саноатининг бир маромда ривожланиши учун энг аввало уни сифатли ва арзон хомашё билан таъминлаш талаб этилади. Бунда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган иккиламчи металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини яхши йўлга қўйиш жуда ҳам муҳимдир. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз томонидан бу борада қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Афсуски, кўрилаётган чораларга қарамай, таркибида рангли металлар бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, айниқса рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат божхона хизмати ва Ички ишлар органларининг маълумотларини ўрганиш давомида рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетиш учун кўплаб уринишлар бўлганлиги кузатилди. Коммуникация тармоқларидан рангли металларни олиш мақсадида уларга жиддий шикаст етказилиши, трансформаторларни, агрегатлар ва двигателларнинг ҳар хил узеллари, деталларини талон-торож қилиш оқибатида иқтисодиётга кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилмоқда. Масалан, 2005 йилда ички ишлар органлари томонидан тергов қилинган жиноий ишлар бўйича 114 миллион сўмликдан ортиқ 33,7 минг метр телефон кабели, 802,1 минг метр электр сими, 8 тоннадан ортиқ мис, 18 тонна алюминий ноқонуний муомаладан мусодара қилинган ва давлатга қайтарилган. 2006 йилда эса тергов қилинган ушбу тоифадаги жиноий ишлар бўйича аниқланган зарар 70 миллион сўмдан ортиқ бўлган.

2006 йилнинг январь-июль ойларида божхона хизмати томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган. 60 тоннадан ортиқ рангли металлдан 29,1 тоннаси бевосита республикадан ташқарига олиб кетилаётган пайтида тўхтатилган.

Учраб турган бундай ҳолатлар жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтириш зарур, деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йилнинг 18 июлида қабул қилинган «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг 9 октябрида ҳукумат томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси киритилган эди.

Таклиф этилган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутган 181[1]-моддасини уч қисмдан иборат янги таҳрирда бериш таклиф этилган. Унга кўра, «Қимматбаҳо металлар сирасига кирмайдиган рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади; ўша ҳаракатлар: а) такроран; б) кўп миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади; Ўша ҳаракатлар: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо...»лаш белгиланган.

Худди шунингдек, ҳукумат таклиф этган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 119[1]-моддаси санкциясини ҳам шу тарзда кучайтириш таклиф этилган.

Моддага таклиф этилаётган ўзгартиришга мувофиқ, «Қимматбаҳо металлар сирасига кирмайдиган рангли металларни, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидалари бузилганда, рангли металларни, уларнинг парча ва резги-чиқитларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши...» белгиланган.

Кўриб турганингиздек, Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидалари бузилганлиги учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси қонунчилик жараёнининг барча тартиб-тамойиллари асосида Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ўйлаймизки, парламентимиз томонидан қабул қилинаётган мазкур қонун ҳам юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда яхши самара беради.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатнинг асосий мазмун-моҳияти, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашдаги роли ҳақида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Бегмат Нурмедов ахборот берди. Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли зона деб эълон қилиш ташаббуси биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган эди. Бундай худудни вужудга келтириш ҳақидаги яна бир муҳим қадам 1997 йил 15 сентябрда қўйилди. Чунки, ўша куни Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» номли халқаро конференция ўтказилди. Анжуман якунида Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш йўлларини ўрганиб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилди. 2006 йил 8 сентябрда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши мазкур ҳудуддаги давлатларнинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тинчликни сақлаш, ривожланиш ҳамда тараққий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ҳаракатларининг маҳсули сифатида қаралмоқда.

Шартнома Баённомасида расман ядро қуролига эга бўлган давлатлар томонидан имзоланиши ва ратификация қилиниши кўрсатиб ўтилган. Унга асосан ушбу давлатлар Шартномада назарда тутилган мамлакатларга нисбатан ядро қуроллари ва бошқа ядровий портлаш қурилмаларини ишлатмаслик ёки ишлатиш билан таҳдид қилмаслик мажбуриятини оладилар. Шартномани ратификация қилиш Ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқларидан келиб чиқади ва мамлакатимиз Конституцияси, қонунлари ҳамда мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига, Миллий хавфсизлик концепциясига тўла мос келади.

Фракция йиғилишида шунингдек, депутатлар муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим моддалари амал қилинишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Ушбу лойиҳанинг яратилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида Марказий банк раисининг ўринбосари Фазлиддин Боқиев тушунтириш берди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ЧИҚИТДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

«Навоийиккиламчиқораметалл» хўжалик ҳисобидаги корхонада нафақат туманларарo темир-терсак парчалари йиғиш ва уни Бекобод металлургия заводига жўнатиш, балки шу ернинг ўзида айни шу иккиламчи хомашёдан турли катталикда сим тўрлар, темир қозиқлар, илгаклар ва ҳар хил иш қуроллари ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бу жараён ҳозир корхонада янада кенгайиб, бошқа хил чиқитлар (шиша синиқлари, пластмасса идишлар, муддати ўтган резиналар)дан ҳам буюмлар тайёрлаш русум бўлди. Натижада, яқин атроф аҳоли манзилгоҳларида истиқомат қилаётган ўнлаб ёш йигит-қизларга янги-янги иш ўринлари ҳам очилмоқда.

— Тежамкорлик иқтисодиёт ўнгланишида асосий омиллардан бири, — дейди корхона раҳбари Ҳикмат Юсупов. — Иккиламчи хомашёлардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳам тежамкорликнинг муҳим усулларидан биридир. Қолаверса, бу усул ёрдамида ҳар бир корхонада янги иш ўринлари вужудга келади. Шу кунларда биз баллонларга кислород қуйиш цехини очиб, унга яна 20 нафар маҳаллий ёшларни ишга қабул қилиш ниятидамиз. Бу — «Ижтимоий ҳимоя йили»да аҳолини, айниқса, муқим иш жойларига эга бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш борасида ўзига хос ижтимоий ҳимоядир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ГАЛАРИВЕР» ШИННИЛАРИ ЭКСПОРТГА

Бухоро туманидаги узум маҳсулотларини қайта ишлашга мослаштирилган «Галаривер» Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси ўтган бир йил ичидаёқ ўз буюртмачиларини топиб олди. Биргина Қозоғистоннинг «Ривер-инвест» компаниясига яқинда 110 минг АҚШ доллари қийматида узум шинниси жўнатди. Келаси ойда бу кўрсаткич 200 000 АҚШ долларига етказилиши мўлжалга олинган.

Қўшма корхона бултур хорижга жами 350 минг долларга тенг миқдорда маҳсулот сотган бўлса, жорий йилда бу рақам салмоғи ҳам 1,7 бараварга ошади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚИШЛОҚДА МИНИЗАВОД

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Фарҳод-5» қишлоғида ташкил этилган минизавод кунига икки минг тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга.

Замонавий хориж технологияси асосида маҳсулот тайёрланаётган мазкур корхонада ўндан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда.

Боёвут ва Гулистон туманидаги фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда иш юритаётган мазкур корхонада тайёрланаётган сут, қаймоқ, қатиқ сингари маҳсулотлар маҳаллий истеъмолчилар билан бирга Бекобод цемент заводи ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси ишчиларига ҳам етказиб берилмоқда.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири

❖ Азиз Ўзбекистон — барчамизники!

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

устида савлат тўкиб турган кўргонча — Афина ибодатхонаси, ихчамгина театр, киравершда Аполлон ҳайкалчаси ўрнатилган мактаб, бозор ва устахоналар растаси, ҳовуз, сув ўтказгич қувурлар ва қабристон бор эди. Аммо шу билан бирга, бу ушоқ «Эллада» ўзини ўраб турган муҳит билан қўшилиб кетганди. Янги мамлакатда ўтган юз эллик йиллик ҳаётида элладаликлар кўпгина ўзига хос хусусиятларни йўқотгандилар. Улар пахса деворли уйлари томини қамиш билан ёпадиган, узун лозим киядиган ва гўштни осиёчасига сихда пишириб истеъмол қиладиган бўлиб қолган эдилар. Тилларига эса кўпгина маҳаллий сўзлар қўшилди ва томошахона саҳнасида кўпинча сўғд сурнайи янграйдиган бўлди.»

Мамлакатимизда истиқлол йилларига келиб мана шу ўлмас қадрият янада мустаҳкамланди, боқийлик касб этди. Миллатлараро бирдамлик муносабатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқимиз ўтмиш анъаналарига содиқ қолган ҳолда уни янада ривожлантириш, бойитиш, керак бўлса ҳозирги таҳликали бир даврда асраб қолиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Бу муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан тортиб барча қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Бош Қомусимизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

1992 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика Байналмилал маданият маркази тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган ягона мақсад — мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларини бир оила фарзандларидек аҳил яшашлари кафолатидир.

Ушбу тизим ташкил этилганидан буён мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари сони бир нечта кўпайгани, яъни 150 тани ташкил этиши ҳам фикримиз далили бўла олади. Энг муҳими, маданий марказлар фаолияти энг аввало халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликни сақлаб қолишга, уни янада ривожлантиришга қаратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, марказлар қошида ўша миллат ва элатлар она тилларини, миллий қадриятларини, маданиятларини ривожлантириш имконияти ҳам мавжуд.

Шуниси эътиборга сазоворки, бундай тузилма атрофдаги бирон-бир давлатда йўқ. Марказ томонидан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Биргина 2006 йилда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва туманларида «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир» шиорлари остида дўстлик фестиваллари бўлиб ўтди. Бу каби анжуманлар, турли тадбирлар ўтказишдан кўзланган мақсад шуки, ҳамма замонларда ҳам битта мамлакатда яшаётган турли миллат вакиллари ўзаро ҳурмат руҳида бир-бириларини қўллаб-қувватласалар, қадрласалар ўша мамлакат йилдан-йилга тараққий этиб бораверган. Халқаро ҳамжамият ҳам турли-туман мақсадларни илгари сураётганда бош талаб сифатида ўша давлатдаги тинчлик, миллатлараро тотувликка алоҳида эътибор қаратади. Бу борадаги Ўзбекистон тажрибаси эса ўрганишга, эътироф қилишга арзийди.

Куни кеча Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Президентимиз ушбу сана муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табрик йўллади. Шунингдек, Юртбошимиз Фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Биз мукофотланганларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Петр ВОЛКОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Андижон вилоят рус миллий-маданий маркази раиси, ЎзХДП аъзоси:

— Дўстликнинг куч-қудратини ҳар доим ҳис этиб тураман. Ўзбекларнинг оға-инилиги, қадрдонлиги, меҳр-муҳаббати туфайли бугун бағримиз бутун. Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Мен ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», деган унвонга лойиқ кўрилганимдан беҳад хурсанд бўлиб кетдим. Бугунги кунда марказимиз вилоятдаги русларни бирлаштириш, бошқа миллат вакиллари билан дўстликни мустаҳкамлаш, рус миллий маданиятини ривожлантириш борасида анча-мунча ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бошқа миллатларнинг урф-одат, маданиятларини сақлашга муносиб ҳисса қўшаётганимиздан жуда мамнунмиз.

Яқинда Россия олий ўқув юртларининг икки юздан ортиқ битирувчилари иштирокида Андижон шаҳрида минтақавий учрашув ўтказдик. Бу эса Ўзбекистон — Россия ўртасидаги алоқалар кундан-кун ривож топиб, мустаҳкамланаётганидан дарак беради. Қисқа қилиб айтганда, 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида яшаб, мамлакатимизнинг ривожи йўлида меҳнат қилмоқда.

Аскар ГАЙИБОВ, «Шуҳрат» медали соҳиби, Сурхондарё вилоят тожик миллий-маданий маркази раиси ва Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар кенгаши раиси:

— Бугун юртимизда амалга оширилаётган бағрикенглик сиёсати туфайли мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари тинч, осуда ҳаёт кечиришмоқда. Тўғриси, юртимизда ўзга миллатларнинг камситилиши ҳолатига умуман дуч келганимиз йўқ. Ўзбек ва тожик халқлари эт билан тирноқ. Бу икки эл қадим-қадимдан жондош, қондош бўлиб яшаган.

Менинг камтарона меҳнатим ҳурматли Президентимиз томонидан эътироф этилганлигидан жуда мамнунман. Тўғриси, бундай мукофотга сазовор бўламан, деб ҳеч ҳам ўйламагандим.

Лариса НИ, «Шуҳрат» медали соҳиби, Наманган вилоят корейс миллий-маданий маркази раиси, «Ника» хусусий фирмаси раҳбари:

— Одатда, қандайдир мукофот билан тақдирланган киши «Бу мукофот биргина ўзимга эмас, мен билан бирга ишлаётганларга ҳам тегишлидир», деган мазмунда ўз ҳаяжонини изҳор қилади. Тўғрисини айтсам, шундай фикрни айтаётганларга бошқа сўзингиз йўқми, дегим келарди. Тақдирланганлар рўйхатида борлигимни билгач, кўнглимдан кечган биринчи фикр айнан шу бўлди. Агар атрофимдагилар, маҳалла фуқаролар йиғини, маҳаллий ҳокимият вакиллари қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришмаганида бу даражада ташкил қила олмасдим. Мен жамоадошларимдан тортиб, марказимиз томонидан уюштирилган тадбирларда иштирок этган болажонларгача раҳмат айтаман. Энг аввало, халқимизнинг юксак меҳр-муҳаббатини қозонган, мамлакатимизни жаҳонга меҳр-оқибатли, юксак маънавиятли юрт сифатида танитиб, тан олдираётган Президентимизга чексиз ташаккуримни изҳор қиламан.

Эзгулик йўлида қилинган меҳнат ҳар қандай одамни юзага чиқараркан. Олдинлари бошқа кишилар мисолида шундай хулосага келган бўлсам, эндиликда бу ҳақиқатни янада чуқур англаб етдим. Вилоятимизда яшаб меҳнат қилаётган икки минг нафарга яқин корейслар номидан ҳам тўла ишонч билан айтаманки, умумий уйимиз Ўзбекистон билан, инсоний қадр-қиммат ва миллатлараро ҳамжиҳатлик қарор топган давлатимиз ва Юртбошимизнинг одил сиёсати билан фахрланамиз.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«СУРХОНТЕКС» КОРХОНАСИДА ИШЛАШ МАНФААТЛИ ВА ҒУРУРЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўтган йили корхонада 7 миллиард 60 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аниқроқ айтганда, 3 минг 253 тонна калава ип, 5 миллион 388 минг погон метр бўз матоси тайёрланди, — дейди «Сурхонтекс» қўшма корхонаси директори Жумадулла Худойбердиев. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз харидоргир бўлиб, биргина ўтган йилнинг ўзида Англия, Германия, Россия, Эстония, Арманистон ва Қозоғистон каби давлатларга сотилиб, 2 миллион 806 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилишга эришдик. Бу йилги режаларимиз янада улкан. Аниқроғи, «Ижтимоий ҳимоя йили»да 8,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

Бундай ютуқлар, шубҳасиз, тиниб-тинчимай меҳнат қилиш, бозор шароитида имкониятлар излаш натижасида қўлга киритилади. Шунинг учун ҳам ўтган 2006 йилда корхона 10 миллион сўмдан зиёд маблағни ҳомийлик мақсадларига сарфлади. Энг муҳими, бу ерда ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантиришга катта эътибор бериб келинаяпти.

— Айни пайтда корхонамизда 1375 нафар киши меҳнат қилаётир, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Жуманазар Қодиров. — Бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этаётганларнинг 800 нафардан ортиғи хотин-қизлар. Ишчи-хизматчиларни, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга иш жойида қулай шароитлар яратишга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётир. Ҳозирда 251 нафар аёл ишчимиз ҳомиладорлик таътилида бўлиб, уларга сарфланадиган маблағ тўлиқ корхона даромади ҳисобидан қопланаяпти. Меҳнат жамоамизда хотин-қизлар ҳар куни бошқаларга нисбатан бир соат олдин уйларига кетишади, лекин иш ҳақлари тўлиқ сақланади.

Корхона қошидаги ошхонада эса ҳар куни ишчиларга бепул иссиқ овқат тайёрланади. Бундан ташқари, узоқ-яқиндан келадиган ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида 2 та автобус ажратилган. Улар ёрдамида корхона ишчиларини ишга олиб келиш ва ишдан сўнг уйларига олиб бориб қўйиш йўлга қўйилган. Корхонада меҳнат қилаётган ёшларнинг, хусусан, турмушга чиқадиган ва уйланадиган йигит-қизлар ва бошқа ходимлар тўй-ҳашамларини ўтказиш учун ўтган йили 9 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 26 нафар ишчи-ходимга турли санаторийларда даволаниш ва дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар олиб берилди. Ишчиларнинг ойлик маоши бугунги кунда ўртача 90-95 минг сўмга тўғри келаяпти.

Бу жамоада 2007 йилда ҳам ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантириш бўйича кенг кўламли махсус дастур тайёрланганки, бу меҳнат унумдорлигини оширибгина қолмай, корхона ишчи-хизматчиларининг моддий манфаатдорлигини ҳам янада ошириши, шубҳасиз.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ – БАРЧАНИНГ ИШИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқимиз кайфияти ва истаги ҳамда орзу-мақсадларини инобатга олган ҳолда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг давоми — 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилганлиги бутун Ўзбекистон аҳли каби қорақалпоғистонликларни ҳам руҳлантириб юборди. Зеро, бу йилги тадбирлар доирасида биринчи галда ёрдамга муҳтож кўп болали ва кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган кекса қариялар, отаонасиз қолганлар, ногиронлар ҳамда талабалару пенсионерлар манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниши кўзда тутилган.

Мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Абдулла САБУРОВдан қилинаётган ишлар ҳамда режалар тўғрисида гапириб беришини сўради.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да шаҳар ва туманлар ижтимоий таъминот бўлимларимиз томонидан 3363 нафар уруш қатнашчиси, ногирон ва уларга тенглаштирилган фуқаролар, шунингдек, урушда иштирок этган 559 нафар ҳамюртимиз оиласи, 1689 нафар ёрдамга муҳтож ёлғиз кексалар ҳисобга олинди. Вазирликда уларга ҳар томонлама кўмак бериш юзасидан дастур ишлаб чиқилди. Ёлғиз пенсионерларга ижтимоий таъминот ходимлари томонидан уларнинг уйларига бориб хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. 9 хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва кир ювиш хизматларини кўрсатиш белгиланган муддатларда (ойма-ой) бепул бажариб борилмоқда. Бу ишлар учун республикамиз бюджети ҳисобидан 105 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Маҳаллий овул фуқаролар йиғинлари билан биргаликда рўйхатга олинган қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож 581 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронларга ҳам ҳомийлар бириктирилиб, уларга моддий ёрдамлар уюштирилди. «Қизил ярим ой» жамияти патронаж ходимлари томонидан уй хизматлари таъминланди.

Ўтган йили соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан 1879 нафар ёлғиз (100 фоиз!) пенсионер ҳамда ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди. Шундан 1563 нафари даволаниш ва дам олиш учун санаторийларга йўлланма олди. 6069 нафарига умумий баҳоси 34,4 миллион сўмлик бепул доридармонлар ажратилди. 118 нафар ногиронга аравачалар, 88 нафар ногиронга овоз эшитиш мосламалари, 460 нафар ногиронга қўлтиқ ва кўл таёқлари текин тарқатилди. 162 нафар кўзи ожизга кўз гавҳарлари қўйиб берилди. 128 нафар ногирон эса янги технология асосида ишланган протез-ортопедия воситалари билан таъминланди. Бу ишлар учун умумий баҳоси 197,5 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Тиҳиатошда уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика ногиронлар реабилитация маркази ишлаб турибди. Ўтган йили бу ердаги санаторийда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан салкам 1000 нафар пенсионер дам олди, даволанди. Меҳрибонлик уйларида руҳий касалликка чалинган ва ақли заиф фуқароларга турли тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилди...

«Ижтимоий ҳимоя йили» ҳам «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг давоми бўлиб, мамлакат идоралари ҳамда ҳокимлик органларининг ёки ижтимоий таъминот ва ҳомийлик қилувчи муассасалар ҳамда корхоналар бошқармаларининггина иши бўлиб қолмасдан, бутун жамоатчиликнинг ҳам иши эканлигини яхши англаб турибмиз. Айни кунларда вазирлигимиз ҳар бир туманда кам таъминланган 100-150 оиланинг ҳар бирига ҳомийлар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда бир бошдан қорамол ажратишга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили 2286 бош қорамол шундай оилаларга ҳадя қилинганди.

Мамлакатимиз Президентининг ПК-308 сонли Қарорига кўра, 400 дан кўпроқ кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга қорамол сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар бериш борасида ҳам қатор амалий ишларга қўл урдик. Жумладан, вазирлик бўйича шу мақсадда 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Хўжайли, Чимбой, Нукус туманларида жойлашган Меҳрибонлик уйлари ногиронларини реабилитация қилиш маркази иморатларини тўла таъмирлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб олинди. Тўрткўл, Чимбой туманларида ёрдамга муҳтожлар учун реабилитация (техник) буюмлари вақтинча фойдаланишга бериладиган ижара пунктларини очиш режалаштирилди. Нукус туманида ҳозироқ шундай марказ ва пункт фаолият бошлади.

Мақсадимиз — давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтганларидек, **«ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак».** Чунки, фуқаро муҳофазаси — барчанинг иши.

Суҳбатдош:
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ўзбекистон ва Сингапур:

ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Сингапур — Жануби-Шарқий Осиёдаги унча катта бўлмаган орол давлатдир. У кўп сонли майда оролчаларда жойлашган бўлиб, ҳудуди 697,1 квадрат километрни ташкил этади. Ороллар нинг энг йириги — Сингапур. Ҳудуд жиҳатидан мўъжазгина бўлган бу мамлакат айни пайтда жаҳон иқтисодиётида салмоқли ўрин тутувчи ривожланган давлатлар сирасига киради.

Тарихий манбаларда VII асрда бугунги Сингапур ўрнида малай халқлари истиқомат қилгани ҳақида хабар берилади. Темасек (денгиз порти) номи билан юритилган бу ерда яшаган аҳоли, асосан, балиқчилик хўжалиги ва савдо ишлари билан шуғулланган.

1297 йилдан Темасек Сингапур, деб атала бошланди. У қадимги ҳинд адабий тилида «шер шаҳри» деган маънони англатади. Сингапур Хитой ва Сиамадан Явага, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ мамлакатларига олиб борадиган савдо йўллари чорраҳасида жойлашган эди. Бу эса унинг тез гуллаб-яшнаши ва Жануби-Шарқий Осиёнинг йирик савдо марказига айланишига имкон берди.

XIV асрга келиб Сингапур Малакка бўғози ҳудудидаги энг гавжум денгиз ва савдо маркази бўлиб қолди.

XVIII асрда Буюк Британия Малакка бўғозига қизиқиб қолди. 1824 йили Британия империяси жуда қулай жўғрофий жойлашувидан фойланиш ва Узоқ Шарқдаги бош таянч марказига айлантириш мақсадида Сингапурни расман ўз тасарруфига олди.

Сингапур 1965 йил 9 августда бир ярим асрлик мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан сўнг мустақилликни қўлга киритди.

Тўрт миллиондан кўпроқ нуфузга эга мамлакатда асл келиб чиқиши хитойлик, малайялик, ҳиндистонлик ва европалик бўлган аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Кўп миллатли аҳоли қатламларининг расмий тили хитой, малай, тамил ва инглиз тили ҳисобланади. Давлат тили — малайя, маъмурий тил эса инглиз тилидир. Республиканинг аксарият (тахминан 80 фоиз) аҳолиси давлат пойтахти — Сингапур шаҳрида яшайди. Буддизм, ислом, христианлик, индуизм ва конфуцийлик асосий динлардан саналади.

Сингапур — парламент республикаси. 1963 йилдан буён мамлакатда конституция амал қилади. 1996 йили унга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Президент давлат раҳбари ҳисобланади. У умумхалқ овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади. 1999 йилда бу лавозимга ҳинду Селлапан Рама Натан сайланган эди. 2005 йил у яна 6 йил муддатга қайта сайланди.

Сингапурда қонунчилик ҳокимиятини тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган бир палатали парламент амалга оширади.

Ижро ҳокимиятини эса президент томонидан тайинланадиган Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат ташкил этади. Ли Сянь Лун 2004 йил 12 августдан буён Сингапур Бош вазиридир.

Мустақил Сингапур ташкил топган даврдан буён ҳокимиятни Халқ ҳаракати партияси бошқариб келмоқда. Унинг асосчиси — 1959 йилдан то 1990 йилга қадар мамлакат бош вазири бўлган Ли Куан Ю ҳисобланади.

Ташқи савдонинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги Сингапур иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатидир. 2005 йилда ялпи ички маҳсулот 117,08 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, унинг улуши саноатда — 32,6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида — 67,4 фоизга тенг бўлди. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 6,4 фоизга, олтин-валюта захиралари 115,8 миллиард долларга етди. Ташқи савдо айланмаси 2005 йилда 426,7 миллиард доллар бўлиб, унда экспорт ҳажми 232,3 миллиард, импорт эса 194,4 миллиард долларга етди.

Сингапур — савдо, молия, маркетинг ва хизматлар кўрсатадиган, юқори технологиялар ишлаб чиқарадиган, Жануби-Шарқий Осиёнинг муҳим транспорт ва коммуникация тармоқлари кесишган йирик минтақавий ҳамда халқаро марказдир. 2006 йилда Сингапур иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг умумий ҳажми 272 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Уларнинг аксарияти молия, электрон ва электротехника саноати, савдо ва транспорт тармоғига йўналтирилди. АҚШ, Япония, ЕИ ва АСЕАН мамлакатлари асосий сармоядорлар ҳисобланади.

Ўз навбатида, мамлакатнинг хориждаги тўғридан-тўғри сармоялари умумий ҳажми 174 миллиард АҚШ долларига етди.

Сингапур нефтни қайта ишлаш бўйича Хьюстон ва Роттердамдан сўнг жаҳондаги энг йирик марказ ҳисобланади. Кемасозлик ва уларни таъмирлаш, шельфлардаги нефть конларини қазиб олиш учун денгиз қазуви ускуна ва қурилмаларини ишлаб чиқариш айниқса ривожланган.

Мамлакат иқтисодиётида савдо флоти ва денгиз порти жуда муҳим аҳамият касб этади. Савдо флоти жами юк ташиш ҳажми бўйича жаҳонда саккизинчи ўринни эгаллайди. Порти эса контейнерлар билан ишлаш бўйича минтақада пешқадам. Тўрт юздан кўпроқ денгиз йўллари Сингапурни дунёнинг салкам 130 мамлакатидаги 600 дан зиёд бандаргоҳ билан боғлайди.

Чанги аэропортининг аҳамияти ҳам кам эмас. У жаҳондаги энг яхши аэропортлар рўйхатидаги етакчи мавқеини бермай келмоқда. Унинг йиллик йўловчи ўтказиш қуввати 68 миллион нафар авиайўловчини ташкил этади.

Сингапур — йирик молиявий марказ. У банклар, халқаро молия ташкилотлари ва тузилмалари, трансмиллий корпорацияларнинг ваколатхоналари сони бўйича Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларидан сўнг дунёда учинчи ўринда туради.

2005 йил якунига кўра, мамлакат банк-молия тармоғида 110 тижорат ва 47 савдо банклари фаолият кўрсатмоқда. Сингапур тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг ҳажми 6,8 фоизга ўсиб, 2005 йил якунига кўра, уларнинг умумий миқдори 425,2 миллиард долларга етди.

Сингапур Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил апрель ойида тан олди. 1997 йил 8 апрелда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида сармояларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланган ва у 2003 йил 15 июлдан эътиборан кучга кирган.

Кўпгина муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Сингапурнинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос бўлиши баробарида бирон-бир икки томонлама сиёсий ихтилофнинг мавжуд эмаслиги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш имконини бермоқда.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларининг жадал ривожланаётгани кузатилмоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ичида Сингапур Ўзбекистон билан энг катта савдо айланмасига эга. Хусусан, 2003-2005 йилларда савдо айланмаси ҳажми уч бараварга ўсиб, 2005 йил якунига кўра 76,1 миллион долларга етди (экспорт — 71,2 млн. долл., импорт — 4,9 млн. долл.). 2006 йилнинг 11 ойида эса Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги савдо айланмасининг ҳажми 86,2 млн. долларга тенг бўлди.

Ўзбекистон экспорти таркибида пахта толаси, энергетика маҳсулотлари ва хизматлар, импорт улушида эса электр ва механика асбоб-ускуналари асосий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари сифатида Сингапур капитали иштирокида тузилган 12 корхона рўйхатдан ўтказилган. Улар машинасозлик, метални қайта ишлаш, ёғочга ишлов бериш, озиқ-овқат саноати ва савдо соҳаларига ихтисослашган. Уларнинг ўнтаси қўшма корхона бўлса, яна иккитаси тўла Сингапур капитали асосида ташкил этилган.

Сингапур Республикасининг иқтисодий салоҳияти, мамлакат ҳукуматининг компания ва банклар молиявий воситаларини жалб этиш орқали икки томонлама йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни назарда тутувчи алоҳида сармоявий сиёсати, Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун кенг имкониятларни бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапурга икки томонлама муносабатлар тарихида амалга ошираётган илк давлат ташрифи икки давлат муносабатларида муҳим воқеа бўлади ва сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамда илмий-техникавий соҳаларнинг жадал тараққиёти учун мустаҳкам асос яратади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА
шарҳловчиси

❖ Муносабат, мулоҳаза

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ўз навбатида бу жараён устидан самарали тарзда назорат ўрнатишни талаб этади. Бундай назорат эса кўплаб ҳолларда суднинг фаолияти орқали таъминланади.

Олимлар томонидан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда суднинг тутган ўрни тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилган. Уларнинг фикрича, «Айнан суд асл ҳуқуқ ва адолатнинг тимсоли бўлиб, фуқаро ҳамда давлат ўртасида юзага келадиган зиддиятли муносабатларда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати ҳисобланади. Суд ҳимояси — шахсни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг жаҳон ижтимоий амалиётида ишлаб чиқилган энг самарали механизмидир». Ушбу фикрларга тўла қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этиш мақсадида суд назорати соҳаси дастлабки тергов босқичига ҳам татбиқ этилиши дунё тажрибасида кузатилмоқда ва ўз самарасини бермоқда.

Дастлабки тергов устидан суд назорати ўрнатилмаганлигининг сабаблари сифатида айбланувчининг айблилигини аниқлашда суднинг пассив ўрин тутганлиги, тергов органларига катта аҳамият берилганлиги, давлат манфаатлари шахс манфаатларидан устун қўйилиши каби ҳолатларни санаб ўтиш мумкин. Илгариги даврларда дастлабки тергов хулосалари билан келишмаслик, оқлов ҳукми чиқариш ҳоллари судьянинг шахсий матонати сифатида қабул қилинар ва бундай йўл тутган судья турли тазъйиқларга дучор бўлар эди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан бундай салбий оқибатларга тамоман чек қўйилмоқда.

Президентимизнинг 2005 йилнинг 8 августидаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони дастлабки тергов устидан суд назоратини жорий этиш борасида ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур Фармонда 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши таъкидланган. Демак, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш зарур. Бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтсак.

Суднинг одил судловга таалуқли бўлмаган фаолияти қабул қилинаётган қарорларнинг характери орқали тавсифланади — уларда айбловнинг мавжудлиги масаласи ҳал этилмайди. Шунинг учун суднинг одил судловни амалга ошириш юзасидан жиноят ишларини мазмунан ҳал этиш ва дастлабки тергов устидан назорат фаолияти бир-биридан қатъий чегараланиши даркор. Шу мақсадларда бир судьянинг ҳам жиноят иши бўйича назорат ваколатларини амалга ошириши, ҳам ўша ишни суд муҳокамасида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ эмас. Назаримизда бу масалани икки усул билан ҳал этиш мумкин: 1) Судьянинг суд ишида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатларнинг асосларини кенгайтириш (ЖПКнинг 76-моддасига қўшимча тарзда 4-қисмни киритиш); 2) тергов судьяси лавозимини жорий этиш. Бизнингча, суд назорати доиралари ҳамда унинг ваколатларини кенгайтириш учун тергов судьяси лавозимининг жорий этилиши ўзини оқлайди.

Тергов судьяси ҳозирги кунда амалда бўлган тергов аппаратининг ўрнини эгаллаши эмас, балки у билан бир қаторда фаолият юритиши, айблов ва ҳимоя ўртасида юзага келган мунозарали масалаларни ҳал этишга ҳақли ҳамда мажбур бўлиши, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиши, айрим тергов ҳаракатлари ўтказиш, қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги шикоятларни ҳал этиши, жиноят ишлари тугатилишининг асослилигини назорат қилиши, ишни мазмунан ҳал этиш учун суд муҳокамасига ўтказиш ҳақидаги масалаларни кўриши ҳуқуқ ва эркинликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Тергов судьясига процесс иштирокчиларининг илтимосларига биноан томонларга ёрдам кўрсатиш мақсадида (айниқса ҳимоя томонига, чунки улар бундай ваколатларга эга эмас) айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқи берилиши ҳам томонларнинг тенглигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дастлабки тергов устидан назорат олиб бораётган судья ўз қарорларини терговчи иш фаолияти сифатининг баҳосини эътиборга олган ҳолда чиқаради, деб хавфсирашга ўрин йўқ. Чунки далилий материалларнинг тўлалиги ҳамда сифатига айб эълон қилган прокурор жавобгар бўлиб, унинг айблов хулосаси суд муҳокамасига юборишга материалларнинг етарлилиги масаласини ҳал этиш учун тергов судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Тергов судьясининг айблов томони бўлган прокурордан мустақил тарзда иш юритиши унинг фаолиятида айбловга оғиш ҳолатларига барҳам беради.

Хулоса қилиб айтганда, суд назоратининг таъсир доираларини кенгайтириш терговнинг қонуний ўтказилишини таъминлаш, дастлабки терговда тортишувни такомиллаштириш, процесс иштирокчиларига (энг аввало — ҳимоя томонига) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун реал имкониятлар яратиш, энг асосийси, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўшимча кафолатлаш мақсадларига хизмат қилади. Зеро, биз қураётган ҳуқуқий-демократик давлатнинг мақсади ҳам фуқаролар манфаатини таъминлашдан иборат ҳисобланади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси,
юридик фанлари
номзоди

ВОКЗАЛНИНГ БИР ҚИСМИ ЁПИЛГАН

Европадаги энг йирик темир йўл вокзалларидан бири Берлиндаги Марказий вокзал кучли шамол оқибатида зарар кўрган ва ҳозирда унинг бир қисми ёпиб қўйилди. Шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича бир кунга қатновлар бекор қилинган. Германия метеорология хизмати томонидан шамолнинг кучайиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилгач, вокзал маъмурияти шундай қарорга келган.

XORIJDA

ТОМОНЛАРГА МАЪҚУЛ МУЗОКАРАЛАР

Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг ядро дастурини тўхтатиб туришга, шунингдек, Йонбендаги тадқиқотлар маркази ва бошқа объектларда Халқаро атом энергияси агентлиги МАГАТЭ томонидан мониторинг ўтказилишига розилик билдирган. Бундай келишувларга яқинда ядро дастури бўйича КХДР ва АҚШ давлатлари вакиллари ўртасида Берлинда бўлиб ўтган музокаралар чоғида эришилди. Келишувга кўра, Шимолий Корея АҚШдан иқтисодий ва энергетик ёрдам олади.

ТИРИК ҚОЛИБ ҲАММАНИ ҲАЙРАТЛАНТИРДИ

17-қаватдан йиқилиб тушган америкалик 29 ёшли Жошуа Хенсон тирик қолган. Кечқурун дўстлари билан учрашиб, «оқи»дан отиб олган Хенсон соат тахминан 1:30да «Huatt Regency» номли меҳмонхонага қайтиб келади. Унинг хонаси меҳмонхонанинг ўн еттинчи қаватида жойлашган эди. Ўн еттинчи қаватга лифтда чиққан Хенсон йўлак бўйлаб чопиб кетаётиб, мувозанатни йўқотадида, ойнани синдириб пастга йиқилиб тушади.

Шифокорлар унда енгил жароҳатлар борлигини аниқлашди, бироқ у тезда соғайиб кетаркан. Ажабланарлиси шуки, 17-қаватдан йиқилиб ҳам тирик қолди.

ИЛК БОР ХОРИЖЛИК КУЗАТУВЧИЛАР ҚАТНАШАДИ

Туркманистон раҳбарияти шу йилнинг 11 февраль куни мамлакатда бўлиб ўтадиган президент сайлови жараёнларида хорижлик экспертлар кузатувчи сифатида иштирок этишларига розилик билдирди. Шундай қилиб, хорижлик экспертлар Туркманистонда илк бор сайлов жараёнларини кузатадилар.

Сапармурот Ниёзов раҳбарлиги даврида Туркманистонда ўтказилган барча даражадаги сайловларга хорижлик кузатувчилар қўйилмаган.

Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, айни дамда мамлакатдаги 65 та сайлов округи ва 1624 та сайлов участкаси ҳар томонлама сайловга тахт қилиб қўйилган.

Президентликка олтита номзод даъвогарлик қилмоқда. Уларнинг орасида Туркманистон Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи Г.Бердимуҳаммедов ҳам бор.



ВАЗИРЛИК ИККИГА БЎЛИНАДИ

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр яқин кунлар ичида Ички ишлар вазирлигида бўладиган таркибий ўзгаришларни эълон қилади. Маълумки, бош вазир ташаббуси билан бу вазирлик иккита алоҳида идорага — Миллий хавфсизлик вазирлиги ва Адлия вазирлигига бўлинмоқда.

Британия оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, Тони Блэр Британия ички ишлар вазири Жон Рейдга ўтган йилнинг август ойидаёқ вазирлик тизимида ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги тўғрисида топшириқ берган. Рейд Янги йил байрамигача лойиҳа-режаларни тақдим қилган, лекин Бош вазир уни кўриб чиқишни кейинроққа қолдирган экан.

ОПЕРАЦИЯ НАТИЖАСИ...

Колумбия пойтахти Богота шаҳрида сиём эгизакларини жарроҳлик йўли билан ажратиш мақсадида ўтказилган операция фожиали якун топди. Бош суяклари бирлашган бу қизалоқлар умрининг тўртинчи ойини яшамоқда эди. Мамлакатнинг хусусий шифохоналаридан бирида сиём эгизакларини ажратиш учун ўтказилган операцияда тиббиёт мутахассисларидан 60 киши қатнашди. Операцияга жиддий тайёргарлик кўрилган бўлса-да, эгизаклардан бирининг аҳволи бирданига ёмонлашди. Оқибатда қизалоқ ҳаётдан кўз юмди. Орадан бироз вақт ўтиб, иккинчи қиз ҳам вафот этди.

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ — ДЎСТЛИКДА

БИР НЕЧА КУНДИРКИ, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ТЕМИР ЙЎЛДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТИББИЁТ МУАССАСАСИНИНГ БЕПУЛ ХИЗМАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛАЯПТИ

— «Саломатлик» поездининг туманимизга келганини эшитибоқ, бу ёққа шошилдим, — дейди Дўстлик шаҳридаги Саркисов кўчаси, 7-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи уй бекаси Умида Умарова. — Бу ерда шифокорлар мени илиқ кутиб олишди. Врачлар Людмила Кадишева ва Мунира Тўраева кўрикдан ўтказишди. Шу ернинг ўзида таҳлил учун қон топширдим. ЭКГ, УЗИ аппаратларида обдон текширишди. Бир-икки соат ичида аниқ ташхис қўйишиб, шифохонага йўлланма беришди. Ҳаммаси бепул.

— Қўшни Арнасой туманидан келдим, — дейди ўзини Абдумажит Раҳмонов деб таништирган отахон. — Иккинчи гуруҳ ногиронман. Анчадан бери ошқозоним азоб бераётганди. Бу ерда Малика Азизова деган врачга учрашдим. Аппаратларда текшириб кўрди. Касалимни аниқ топди. Дори-дармонлар тавсия қилди. Кўнглимни кўтарди. Фақат шугина эмас, Тошкент шаҳридаги шифохонага йўлланма ҳам ёзиб берди. Муомаласини айтмайсизми? Бизни деб шунча йўлдан келганлари, дардимизга малҳам бўлаётганлари учун катта раҳмат.

— Эътироф этиш керак, — дейди туман марказий шифохонаси бош врачи Шуҳрат Болтаев, — «Саломатлик» поездида ҳар куни ўрта ҳисобда 210-230 нафар аҳоли мутахассис-шифокорлар қабулида бўлишаяпти. Олти кун ичида 1420 нафар турли ёшдаги беморларга малакали тиббий хизматлар кўрсатилдики, бундан биз мамнунмиз.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган «Саломатлик» поезди ўн икки кун мобайнида туманда бўлиб, аҳолига барча йўналишлар бўйича тиббий хизматлар кўрсатишни режалаштирган. Тўрт вагондан иборат бундай ўзига хос тиббиёт муассасасида малакали диагностика учун зарур асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, қисқаси, барча шарт-шароитлар мавжуд. Компания соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўттиз нафар малакали шифокори орасида эса фан номзодлари, олий тоифали врачлар, ўз касбининг усталари кўпчиликни ташкил қилади. Бу ҳол дардларига малҳам истаб келаётган кишиларга тез, аниқ, пухта ташхис қўйиш, ишончли, малакали хизмат кўрсатиш имконини бераётир.

— Бугун 58 нафар фуқарони қабул қилдим, — дейди кўз касалликлари бўйича олий тоифали шифокор Фарида Жўраева. — Уларнинг орасида қариялар, кам таъминланганлар, ногиронлар анчагина. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бундай фуқароларга ёрдамимиз тегаётганидан, уларнинг қимматли вақти ҳамда сармоясини сарфлаб шаҳарларга қатнаш ташвишидан халос қилаётганимиздан мамнунмиз.

Ўн икки кунлик қабул, яна шунча кунлик тиббий хизмат — 60 минг аҳоли истиқомат қилаётган туман учун бу ҳийла катта имконият эмасми? Марказий шифохона, қишлоқ врачлик пунктларида ишлаётган шифокорлар эса бундай имкониятдан ўринли фойдаланишмоқда. Қишлоқларда, олис аҳоли пунктларида истиқомат қилаётганлар орасида аввало, оналар ва болаларни, қарияларни, ногиронларни, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганларни аниқлаб, ташкилий равишда «Саломатлик» поездига келишларини таъминлаш, уларга бепул, беминнат малакали тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Бу ишларнинг бошида албатта, маҳаллий шифокорлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла ҳамда қишлоқ оқсоқоллари туришибди.

«Саломатлик» поезди вагонларида ташкил этилган ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория, ташхис қўйиш, рентген кабинетлари, врач қабулхоналари одамлар билан гавжум. Улар шу ернинг ўзида малакали шифкорлардан маслаҳатлар олишяпти, ўзларини ойлаб, йиллаб қийнаётган дардларига дармон топишаяпти. 2007 йилни мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилган Юртбошимизнинг бу ташаббусларига биринчилардан бўлиб «лаббай» деб жавоб беришган ҳамда ушбу темир йўлда ҳаракатланувчи тиббиёт муассасасини ташкил этган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоасига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Муҳаммад АМИН (ЎзА)
олган сурат

ҚАДИМИЙ САРДОБА КЎЗ ОЧМОҚДА

Маълумки, Зарафшон воҳасидан ўтган Буюк ипак йўлида аждодларимиз қурдирган сардобалардан бизгача фақат бештаси сақланиб қолган. Уларнинг 2 таси йўл ҳудудида жойлашган. Ана шу тарихий обиданинг биттаси Қоровулбозор шаҳарчаси ёнгинасида бўлиб, у асрлар давомида бир неча бор шикаст кўрган. Унинг атрофи қаровсиз қолгани ҳамда ичида захсувлар тўпланиши оқибатида обида деворлари нурай бошлаганди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан яқинда хайрли ишга қўл урилди, кўҳна сардобани қайта таъмирлаш, унинг атрофида 7 гектарлик хиёбон барпо этишга киришилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи эса бунга ҳомийлик қилмоқда.

— Бу хайрли ишда бир қатор қурилиш ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда, — дейди туман ҳокими Илҳом Муродов. — Қурилиш ва ободонлаштиришни Наврўз байрамигача якунламоқчимиз. Обида атрофида янги боғ, гулзору хиёбон ташкил этилади.

(Ўз мухбиримиз)

❖ Спорт

МДҲ кубоги: «ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Шу кунларда Москвада футбол бўйича анъанавий Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари чемпионларининг МДҲ кубоги халқаро турнири давом этмоқда. Олдингиларидан фарқли жиҳати, бу йилги баҳсларда илк маротаба Сербиянинг ОФК жамоаси ҳам иштирок этяпти.

Мусобақада мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» футболчилари юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Пахтакорчилар турнирнинг «С» гуруҳидан жой олган. Гуруҳнинг дастлабки турида ҳамюртларимиз Латвиянинг «Вентспилс» жамоасига кутилмаганда имкониятни бой берганди — 2:0. «Шахтёр» (Украина) — «Бананц» (Арманистон) жамоалари учрашувида эса 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Иккинчи ўйинда пахтакорчилар Арманистоннинг «Бананц» футболчиларига қарши тўп суришди. Вакилларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтган ушбу баҳсда Сервер Жепаров (иккита) ҳамда Александр Клецковлар томонидан киритилган тўплар «Пахтакор»нинг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади — 3:0.

Гуруҳнинг «Вентспилс» — «Шахтёр» жамоалари ўртасида кечган иккинчи учрашуви эса дуранг билан тугади — 1:1.

Бугун ўтказиладиган учинчи тур баҳсларида пахтакорчилар Украина чемпиони «Шахтёр» (Донецк) жамоасига қарши майдонга тушса, «Вентспилс» (Латвия) футболчилари Арманистоннинг «Бананц» вакиллари билан куч синашади.

Турнирнинг қолган гуруҳларидаги учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди:

«А» гуруҳи. ЦСКА (Россия) — «Актобе» (Қозоғистон) — 1:1, БАТЭ (Белорусь) — «Регар-ТадАЗ» (Тожикистон) — 2:0. ЦСКА — БАТЭ — 2:0, «Регар-ТадАЗ» — «Актобе» — 0:0.

«В» гуруҳи. «Боку» (Озарбайжон) — «Шериф» (Молдова) — 3:4, «Левадия» (Эстония) — «Дордой-Динамо» (Қирғизистон) — 4:0, «Боку» — «Дордой-Динамо» — 2:0, «Шериф» — «Левадия» — 3:0.

«Д» гуруҳи. «Каунас» (Литва) — «Сиони» (Грузия) — 2:1, ОФК (Сербия) — МТТУ (Туркманистон) — 2:0, «Каунас» — ОФК — 2:3, «Сиони» — МТТУ — 2:1.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Интер-спорт

НАВБАТ — ВАЛУЕВ ВА ЧАГАЕВ ЖАНГИГА

Ўта оғир вазнли боксчи жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуев ўз унвонини учинчи марта муносиб ҳимоя қилди. WBA йўналишидаги энг баланд бўйли бу боксчи Швейцариянинг Базел шаҳрида америкалик Жамил Маклайн билан жанг қилиб, муваффақият қозонди. Тўғриси, бу учрашувнинг биринчи раунди тенг қурашлар остида ўтиб, иккинчисида Валуевнинг устунлиги сезилиб турди. Учинчи раундда ҳам Жамил астойдил жанг қилди-ю, лекин, кутилмаганда мувозанатини йўқотиб, йиқилди. Шифокорлар тез ёрдам кўрсатишди. Маълум бўлишича, Жамил чап оёғининг тизза «қалпоғи» қаттиқ жароҳатланган экан. Оқибатда жангни тўхтатиб, техник нокаут ҳисобида ғалаба Николайга ёзилди.

— Бундай нохушликдан жуда афсусдаман, — дейди Жамил. — Бунақа воқеани ҳеч кимга раво кўрмасдим.

— Ғалабанинг ҳақиқий бўлгани маъқул. Жанг бундай тугашини ким кутибди дейсиз, — дейди Николай. — Сўзсиз ноқулай аҳволда қолдим. Чунки, мухлислар жангни охиригача кўриш истагида эдилар. Начора, буни спорт, дейдилар. Энди навбатдаги жангга ҳозирлик кўраман.

Хуллас, Валуев бу зафардан кейин мағлубиятсиз учрашувларини қирқ олтитага етказди. У америкалик жаҳон рекордчиси Рокки Марчиано каби ғалабаларини қирқ тўққизтага етказиш ниятида. Валуевнинг навбатдаги жанги эса ўзбекистонлик мухлислар учун айниқса, қизиқарли бўлади. Чунки, россиялик чемпион жаҳон чемпионлигига асосий даъвогар юртдошимиз Руслан Чагаев билан учрашади. Бу жанг 15 апрелдан кечиктирмай ўтказилиши мўлжалланмоқда.

ҚИШЛОҚ АҲЛИ МАМНУН

Ҳазорасп туманидаги «Янгибозор» қишлоғининг Тошсоқа маҳалласи туман марказидан хийла узоқ. Аҳолининг хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, бу ерда янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий даволаш маскани қурилиши учун «Саломатлик-2» дастури бўйича юз миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Тиббиёт жиҳозларининг қиймати 20 миллион сўмни ташкил қилади.

Қишлоқ врачлик пунктида эмлаш, муолажа, автоклав, физиотерапия, гинекология бўлимлари ва лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Тўрт ўринга мўлжалланган кундузги даволаш хоналари ҳам мавжуд бўлиб, уларда беморлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Рўзимбой ҲАСАН

❖ Ўтмиш сабоқлари

НОН ҚАДРИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар эди. Боғимиз Юнусободда бўлиб, нон, озиқ-овқат маҳсулотларини Шибли бозори (ҳозирги «Дисней ленд» боғи атрофи) ёки Ишчилар шаҳарчасидаги дўкондан харид қилардик.

Бир куни дадам билан нон ва керосин олиб келгани Шибли бозорига йўл олдик. Аксига олиб дўконда нон қолмабди. Дадам сотувчидан бир буханка нонни илтимос қилиб олдилар.

— Болам, сен нонни олиб, керосин дўконига боравер, мен Ниёзбегидаги дўконга ўтай-чи, зора яна бир буханка нон топилса. Ўзим сенга етиб оламан, — деб мени йўлга солиб юбордилар.

У пайтлар ҳозирги Тошкент давлат Молия институти атрофи ташландиқ жойлар эди. Анҳор шовуллаб оқиб турарди. Унинг устида ҳозиргига ўхшаш мустаҳкам кўприк йўқ эди. Нариги соҳилга осма кўприкдан ўтиларди. Мен кўприкка етиб олиш учун тез-тез юра бошладим. Қарасам, орқамдан бир киши келяпти. Кўприкдан икки киши ўтса, лопиллаб кетарди. Ўзим дарров ўтиб ола қолай деб чопишга тушдим. Кўприкдан эсон-омон ўтиб олиб, нонни маҳкам ушлаб, гоҳ чопиб, гоҳ тез юриб бораётгандим, бирдан орқамдан ҳалиги киши етиб келиб нонимга ёпишди. Бир пайт қарасам, қўлимда бир парчагина нон қолибди, ҳалиги киши эса нонинг ярмини олганча қочиб борарди.

— Нонимни беринг, нонимни, — деб бақириб унинг орқасидан қувдим. У эса қочарди-ю нонни оғзига тиқарди. Қанча чопганимни билмайман, бир пайт орқамдан бир киши келиб, мени маҳкам ушлаб тўхтатди.

— Қаёққа кетяпсан, занғар! Ўғрига етиб олсанг сени Анҳорга отиб юборади, — деб маҳкам қучоқлаб олди. Мен унинг қучоғидан чиқиб ўғрини қуваман деб талпинардим.

— Ахир, нонимни олиб кетди, уйда нон йўқ амаки, — деб йиғладим.

— Сен Ҳидой Махсумнинг ўғлимисан? — деб

сўради, қўлимдан маҳкам ушлаганча, — Ҳозир қўйиб юборсам, ўғри сени сувга отиб юборади.

— Нонни олдириб қўйганимга дадам уришадилар, — дедим ўзимни тўхтатолмай.

— Дадангга мен айтаман, сени уришмайдилар. Ҳозир қаёққа борасан, барибир қўйиб юбормайман...

— Керосин дўконига бораман, керосин оламан.

— Дўконга бирга бораман, дадангга ўзим тушунтираман, ахир ўғил бола йиғламайди, — деб мени юпатган бўлди. Сўнг иккаламиз дўконга йўл олдик. Йўлда ким кўрса «тинчликми?» деб сўрарди.

— Ҳа, нонини олдириб қўйибди, деб жавоб берарди ҳалиги киши.

— Ие, бу Махсумнинг ўғли-ку, отанг дўконда сени пойлаб турибди, чопақол, — деб менга далда берди бир амаки.

Мен югурганча кетдим. Дадам мени кўрди-ю, чопиб келиб қучоқлаб олдилар. Мен йиғлаб, бўлган воқеани айтдим.

— Қўй йиғлама, бош-кўзингдан садақа, — деди дадам... Ва алам билан лабларини пирпиратиб менга термулди.

Шу воқеа эсимга тушса ҳозирги кунимизга беадад шукурлар айтаман. Ахир дон, нон ўзимизники, дўконларда истаганча топилади. Ҳеч ким оч қолмаяпти. Нон деб бошқаларни зор қақшатмаяпти. Баъзан ошхона ёки тўйларда нонинг исроф бўлаётганини кўрсам ўша воқеа ёдимга тушаверади...

Юнус ЗИЁДОВ

❖ Билиб қўйган яхши

ОЛМА МАВСУМИ

НАМАНГАНДА НОЯБРДАН ФЕВРАЛЬ ОЙИГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ

Аслида олма мавсуми нафақат Наманганда, балки бутун мамлакатимизда, ҳатто иқлим шароити бизга яқин бўлган дунёнинг кўпгина минтақаларида ҳам мавжуд. Фақат уни наманганликлар каби бошқа ҳудудларда алоҳида эътироф этишмайди.

Меваларнинг фойдали экани ҳаммага маълум. Ўзбек заминида пишиб етилган сархил мевалар ранги, таъми, сифати билан бирга шифобахшлиги ҳам шуҳрат қозонгани бор гап. Аммо улар ҳақида нечоғли маълумотга эгамиз? Дейлик, олма ҳақида, айнан олма мавсуми хусусида.

Олма болаларга, камқон беморларга дори сифатида буюрилишига кўникиб ҳам кетганмиз. Сабаби олма таркибида темир моддаси кўп. Яна у ҳазм органлари фаолиятини мувофиқлаштириши жиҳатидан ҳам синалган шифобахш неъмат. Камқонликни бартараф этишнинг энг самарали усули олма истеъмоли экани табобатда ҳам, замонавий тиббиётда ҳам тасдиқланган. Кузатган бўлсангиз пишиқчилик даврига қараганда, октябрь ойидан то март ойининг охиригача бозорларда олма савдоси қизғин. Шифокорлар фикрича, қиш аввалидаги об-ҳавонинг бирдан алмашиши ва табиий тарзда инсон организмининг ташқи таъсирларга сезувчанлиги ортган паллада олма таркибидаги микроэлементларга эҳтиёжимиз ихтиёрсиз ортиб боради.

Тумов, грипп, шамоллаш каби мавсум касалликларини даволашда олманинг ўрнини бошқа мевалар босолмайди. Олманинг яна бир шифобахш хусусияти унинг уйқусизликни бартараф эта олишидир.

Яна бир гап: биз меванинг ҳамма фойдали хусусияти пўстида деган гапни кўп эшитганмиз. Аммо, мутахассислар фикрича, мевани, айниқса, олманинг пўстини арчиб ейиш маъқул. Негаки, қўёшдан келадиган таъсир меваларни ташқи томондан қаттиқ парафин-мум моддаси билан қопланишига сабаб бўлади. У эса ҳазм бўлиши жиҳатидан инсон организми учун энг қийин ҳисобланган модда. Шу важдан уларни ҳатто олма фаслида ҳам арчиб истеъмол қилиш тўғрироқ.

Вақти билан ўз ўрнини «ўрик мавсуми»га бўшатиб берадиган олма мавсумидан самарали фойдаланиш халқ тили билан айтганда, «илик узилди» даврига ўзига хос тайёргарлик бўлади.

Бугун бозорларда олма савдоси авжида. Аммо бу ҳақда гапирганда, яна бир жиҳатни эслатиш ўринли. «Бозор иқтисодиёти қоидалари»дан келиб чиқиб, олма нархини ошириш пайига тушадиган бозорчилар унутмасликлари зарур: ҳамма неъмат ўз мавсумида қадрли. Олма савдоси ҳам табиий равишда нари борса, февраль охирларигача чаққон бўлади. Унинг нархини қимматлатиб, фойда кўраман дегувчилар мавсум ўтгач, афсус қилишлари мумкин. Олма мавсуми айни қизиган паллада одатга кўра, Наманганда ўрик мавсуми ҳам бошланиб кетди. У апрель ойигача давом этади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ
тайёрлади

Частная фирма «KARAVAN PRIM» сообщает об изменении формы собственности на Общество с ограниченной ответственностью «KARAVAN PRIM».

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза бош бюроси жамоаси бюронинг собиқ ходими, уруш ва меҳнат фахрийси **Нуриддин РАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Baxtiyor DO`SJONOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 46
14373 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 01.00
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda